



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil «19» апрель

№ПК-162

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнгги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат мулкани хусусийлаштириш орқали хусусий сектор улушини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун шароит яратиш, самарасиз ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2020–2023 йилларда 4,5 мингта давлат активларининг хусусийлаштирилиши натижасида 20 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, хусусийлаштирилган корхоналарнинг солиқ тушумлари 1,3 баробарга, соф активлари эса 1,5 баробарга ошди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадлари ижросини таъминлаш, иқтисодиётнинг хусусий сектор ривожланган тармоқларида давлат иштирокини кескин камайтириш, хусусий сектор фаолият кўрсатиши учун қулай рақобат муҳитини яратиш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш мақсадида:

1. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик жамиятлари (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги корхоналар) биринчи раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири этиб ўз соҳасида **хусусий сектор улушини муттасил ошириб бориш, рақобат муҳити шаклланган соҳалардаги, шунингдек, уларнинг фаолиятига хос бўлмаган, самарасиз фойдаланилаётган ва бўш турган активларини хусусийлаштириш (сотиш)** белгилансин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Давлатив агентлиги) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (кейинги ўринларда – Рақобат қўмитаси) билан биргаликда **2024 йил 1 сентябрга қадар** мазкур бандда назарда тутилган вазифалар бажарилишини баҳолаш методологиясининг тасдиқланиши ва унинг асосида **2024 йил якунидан бошлаб** рейтинг шакллантирилиши ва эълон қилиб борилишини таъминласин.

2. Қўйидагилар:

Оммавий савдоларга чиқариладиган акция пакетлари (улушлари) рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Оммавий савдоларга чиқариладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Маҳаллий фонд бозорида акцияларининг бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифи ўтказиладиган корхоналар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ҳисоб палатаси **икки ой муддатда** балансда сақловчи вазирлик, идоралар ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ушбу қарорга 1 ва 2-иловалардаги активларнинг ўз вақтида Давлатив агентлигига ўтказилишини назоратга олсин ва мазкур топшириқни бажармаган биринчи раҳбарларга нисбатан чоралар кўриш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, давлат иштирокидаги корхоналар акцияларининг оммавий таклифини ўтказиш жараёнида:

қабул қилинган буюртмалар асосида акцияларни уюшган савдоларда сотишда олди-сотди битимлари инвестиция воситачилари томонидан қатъий равишда **“Тошкент” РФБ савдо майдончасида** рўйхатдан ўтказилади;

маҳаллий инвесторларнинг буюртмаларини қабул қилиш **“Тошкент” РФБ савдо майдончасида амалда бўлган усулларга қўшимча равишда, “E-AUKSION” электрон савдо платформаси, шу жумладан унинг мобиль иловасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.**

Бунда, **“E-AUKSION” электрон савдо платформасида барча инвестиция воситачилари ва уларнинг миждозлари учун шахсий кабинет яратиш орқали буюртмаларни реал вақт режимида беғараз асосда қабул қилиш, инвесторларни идентификация қилиш, инвестиция воситачилари билан тегишли шартнома тузиш, депо ҳисобварағини очишда тенг имконият таъминланади.**

4. Белгилансинки, давлат активларини сотишни жадаллаштириш ва иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш мақсадида:

давлат активлари **уч ой давомида** сотилмаганда (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) уларнинг бошланғич нархи қолдиқ (баланс) қиймати ёки соф активлари миқдоридан қатъи назар **10 фоизигача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилади**. Бунда, давлат активларининг бошланғич нархи пасайтирилгандан кейин ҳам уч ой муддатда сотилмаган тақдирда хусусийлаштиришнинг бошқа усуллари қўлланилади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан “E-AUKSION” электрон савдо платформаси орқали **2024 йил 1 январга қадар** тузилган ижара шартномалари бўйича ижарага олинганига камида **беш йил** бўлган давлат мулки объектини Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида капитал таъмирлаш, модернизация қилиш, теварак-атрофини ободонлаштириш ва бино-иншоотларни турли даражада яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилган ва ижара тўловлари ўз вақтида тўлаб келинган ҳамда ушбу объект хусусийлаштириш дастурига киритилган тақдирда уларга ушбу давлат мулки объектини **баҳоланган қийматда тўғридан-тўғри сотиб олиш** ҳуқуқи берилади;

давлат акция пакетлари **хорижий инвесторларга** “Тошкент” РФБ савдолари орқали хорижий валютада сотилиши ва улар **бўйича тўловлар шартномада белгиланган валютада амалга оширилиши мумкин**;

2024 йил 1 августдан бошлаб, бошланғич нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача бўлган **давлат активларини, ер участкаларини ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарнинг мулкларини сотиш ва ижарага бериш** бўйича ўтказиладиган электрон онлайн-аукцион савдолари жараёнида, иштирокчилар томонидан учинчи қадамдан бошлаб шахсий ҳисобварағида камида уларнинг нарх таклифига нисбатан амалдаги закат миқдоридаги суммага эга бўлиш тартиби киритилади. Бунда, ушбу маблағлар закат сифатида ҳисобга олинади.

5. Давактив агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ер солиғи ва мол-мулк солиғини давлат кўчмас мулк объектларини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган харидорлар томонидан мазкур объект учун тўланган маблағларга пропорционал равишда ҳисоблаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давактив агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **икки ой муддатда** мазкур банддан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш киритиш юзасидан қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 майдан бошлаб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини сотишни тезлаштириш ва улар негизда ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) объектларини ишга туширишни рағбатлантириш мақсадида:

а) аукцион савдоларига чиқарилган ер участкалари (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) уч ой давомида сотилмаганда, уларнинг бошланғич нархи 30 фоизигача, олти ой давомида сотилмаганда 10 фоизигача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилади ва сотиб олиш тўловларининг 15 фоизини уч ой муддатда, қолган қисмини 10 йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

б) ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб 4 ва 5-тоифаларга киритилган туманларда жойлашган давлат активлари ҳамда мулк ҳуқуқи асосида сотиб олинган ер участкалари бўйича:

дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолларда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби бекор қилинади;

тўловларни, миқдоридан қатъи назар, 5 йил ичида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш учун амалга ошириладиган дастлабки тўлов миқдори 35 фоиздан 15 фоизга пасайтирилади;

в) Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланадиган режага мувофиқ халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари бўйида жойлашган ер участкаларида замонавий сервис ва савдо-маиший объектларини барпо этиш учун мастер-режа асосида ер участкалари уларнинг тоифасидан қатъи назар аукцион савдоларига чиқарилади;

г) давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган бўш ер участкаларига нисбатан туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарздорликлари бўйича тақиқлар татбиқ этилмайди, ушбу ер участкалари аукцион савдоларида сотилганда, харидорларга тўсиқларсиз расмийлаштириб берилади;

д) махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарининг (кейинги ўринларда – саноат зоналари) бош режасига мувофиқ:

саноат зоналари инфратузилма билан таъминлангандан ва давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилингандан сўнг улар ҳудудидаги ер участкалари аукцион савдоларига чиқарилади;

саноат зоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида хусусий инвесторлар томонидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда инфратузилма билан таъминлаш ишларининг амалга оширилишига рухсат берилади, кейинчалик ушбу харажатларни саноат зоналарининг маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартиби жорий этилади.

7. Белгилансинки, давлат активлари ва ер участкаларини хусусийлаштириш ҳамда ижарага бериш бўйича тузилган шартномалар доирасида юзага келадиган низолар ва даъволарга нисбатан, биринчи навбатда **медиация тартиб-таомили** амалга оширилади. Бунда, профессионал медиатор томонларнинг ўзаро келишуви асосида инвестиция, хусусийлаштириш ва капитал бозорида тажрибага эга шахслар орасидан танланади.

Давактив агентлиги Олий суд, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ҳафта муддатда:

хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ савдога чиқарилиши белгиланган давлат активлари (кўчмас мулк, улуш, акция пакетлари)ни вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Давактив агентлигига ўтказиб бериш **тартибини**;

туман ва шаҳарларда **ер участкаларини устувор равишда мулк ҳуқуқи асосида**, шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилмаган ер участкаларини **ижара ҳуқуқи асосида 2024 йилда чораклар кесимида** савдога чиқариш режасини;

халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўли бўйлаб мастер-режа лойиҳалари асосида замонавий инфратузилмани барпо этиш, савдо ва сервис объектларини жойлаштириш учун аукцион савдоларига чиқариладиган **ер участкалари** режасини;

замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари ва сервис объектларини, жумладан жойлаштириш воситалари, турар жойлар, савдо-кўнгилочар марказларни жойлаштиришни назарда tutuvchi **мастер-режа** лойиҳалари асосида ер участкалари савдога чиқариладиган туманлар ва шаҳарлар рўйхатини;

б) бир ой муддатда қайта ташкил этиладиган ва тугатиладиган давлат иштирокидаги корхоналар ва давлат муассасалари рўйхатини тасдиқласин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Рақобат қўмитаси ва Давактив агентлиги билан биргаликда **2024 йил 1 июлга қадар** ветеринария хизматлари бозорини ўрганиб чиқсин ва уни хусусий секторга ўтказиш ёки давлат-хусусий шериклик тамойили бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган ветеринария хизматлари бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Сув хўжалиги вазирлиги, Рақобат қўмитаси ва Давактив агентлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** сув хўжалиги соҳасида қурилиш хизматлари бозоридаги хусусий сектор улушини ўрганган ҳолда “Ўзсувқурилиш” АЖ ва унинг тизим ташкилотларини хусусий секторга ўтказиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, “Ўзсувқурилиш” АЖ корхоналарининг бошқариш тизимини ва тузилма ташкилотларини такомиллаштириш орқали харажатларини оптималлаштириш, рақобатбардошлигини ошириш чоралари назарда тутилсин;

в) Транспорт вазирлиги, Рақобат қўмитаси ва Давактив агентлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** Автомобиль йўллари қўмитасини **ислоҳ қилиш ва унинг фаолиятига хусусий секторни жалб қилиш** бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Автомобиль йўллари қўмитасининг **бўйртмачи функциясини сақлаб қолган ҳолда** унинг пудратчи, таъмирлаш, ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарини Қўмита таркибидан чиқарган ҳолда **хусусийлаштириш**;

автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш жараёнини босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш.

10. Қуйидагиларга:

а) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023–2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–299-сон қарорига асосан аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини, шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича **2023 йилга мўлжалланган режалар бажарилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.**

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини, шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш **графиғини тасдиқласин**.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири аҳоли пунктларининг **бош режаси ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари** ишлаб чиқилиши ва уларнинг ижроси бўйича шахсан масъул этиб белгилансин.

б) Бухоро (Зарипов), Қашқадарё (Азимов), Навоий (Турсунов), Наманган (Абдуразаков), Самарқанд (Турдимов), Сурхондарё (Қосимов), Сирдарё (Махмудалиев), Тошкент (Мирзаев), Фарғона (Бозаров) ва Хоразм (Рахимов) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (Умурзаков) ҳокимларига давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағларни объект жойлашган туман (шаҳар) бюджетида қоладиган қисмини ҳам тўлиқлигича вилоятлар (Тошкент шаҳри) бюджетига ўтказиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинишига йўл қўйганликлари кўрсатиб ўтилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давактив агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда давлат кўчмас мулк объектлари ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари сотилишидан тушган тушумларнинг қонунчиликка мувофиқ тегишли қисми ушбу объектлар жойлашган туман (шаҳар)лар бюджетида қолдирилишини таъминласин.

11. Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш ишларини мувофиқлаштирувчи кенгаш (А. Арипов) уч ой муддатда республика ижро этувчи ҳокимият органларини Янги Тошкент шаҳри ҳудудига кўчириш, уларнинг маъмурий биноларидан самарали фойдаланиш ва уларни сотишдан тушадиган маблағларни ушбу ҳудудда маъмурий биноларни барпо этишни молиялаштиришга йўналтириш юзасидан таклиф киритсин.

12. Давактив агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 19 апрелдаги ПҚ–162-сон қарорига
1-илова

Оммавий савдоларга чиқариладиган акция пакетлари (улушлари)
РЎЙХАТИ

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТХШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
I. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг таркибидаги ташкилотларнинг акция пакетлари (улушлари)						
“Ўзбекнефтегаз” АЖ						
1.	1	306554889	Ўзнефтегазбурғулаш ишлари	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	100
2.	2	308265749	UNG Toshkent dengizi oromgohi	МЧЖ	Тошкент вилояти	100
3.	3	305084010	UNG ENK MOBILE	МЧЖ	Тошкент вилояти	50
4.	4	305357270	Нефтвазинновация	МЧЖ	Тошкент шаҳри	97
“Ўзавтосаноат” АЖ						
5.	1	200209469	Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
6.	2	202128505	Uz Semyung Ko	АЖ	Андижон вилояти	38,54
7.	3	202128093	Uz Dong Won Ko	АЖ	Андижон вилояти	24,4
8.	4	301724521	Avto Climate Control	МЧЖ	Андижон вилояти	100
9.	5	200908912	Uz-Koram Kompani	МЧЖ	Андижон вилояти	100
10.	6	305881199	Uzlogistic	МЧЖ	Тошкент шаҳри	47,28
11.	7	206978481	UZ CHASYS	МЧЖ	Наманган вилояти	70
12.	8	201832779	O’z-Tong Hong Kompani	АЖ	Андижон вилояти	50
13.	9	301866345	O’zauto-Austem	МЧЖ	Андижон вилояти	50
14.	10	202678977	Автоойна	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
15.	11	301948646	Uzsungwoo	МЧЖ	Фарғона вилояти	50
16.	12	205660380	Асака-автосавдо	МЧЖ	Андижон вилояти	51
17.	13	200239749	Андижон автотеххизмат	МЧЖ	Андижон вилояти	51,2
18.	14	303288288	Motuz Avto	МЧЖ	Андижон вилояти	52,5
19.	15	301692982	Auto Fortis	МЧЖ	Андижон вилояти	91,7
20.	16	200244688	Автокомпонент	МЧЖ	Андижон вилояти	98,8
21.	17	306763383	Auto Rubber	МЧЖ	Андижон вилояти	100
22.	18	203531598	АС Қашқадарё сервис	ШК	Қашқадарё вилояти	100

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
23.	19	301541133	O'zminda	МЧЖ	Навоий вилояти	50
24.	20	301665310	O'zeraealternator	МЧЖ	Навоий вилояти	50
25.	21	203529471	АС Сирдарё сервис	УК	Сирдарё вилояти	100
26.	22	302387173	KWANGJIN Autosystems	МЧЖ	Тошкент шаҳри	50
27.	23	201648634	Қўқонавтотеххизмат	МЧЖ	Фарғона вилояти	51
28.	24	200146944	Фарғона автотеххизмат-Ф	МЧЖ	Фарғона вилояти	52,9
29.	25	305905349	Greenhouse Company	МЧЖ	Хоразм вилояти	50
30.	26	201378654	Хоразмавтотеххизмат	МЧЖ	Хоразм вилояти	51,1
31.	27	201295799	Навоийавтотеххизмат	МЧЖ	Навоий вилояти	14,26
32.	28	206996319	Avtosanoat-Injiniring	МЧЖ	Тошкент шаҳри	1,99
33.	29	200797134	Автотеххизмат	МЧЖ	Тошкент шаҳри	32,16
34.	30	305818495	Agro-Trans Leasing	МЧЖ	Тошкент шаҳри	10
35.	31	307834246	Авто корзинка	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49
36.	32	309599213	Nurafshon Petroleum	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49
37.	33	309863122	Hamkor Eco Trade In	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49
38.	34	200153825	Фарғона автомарказ	МЧЖ	Фарғона вилояти	94,5
39.	35	203508213	АС Андижон сервис	УК	Андижон вилояти	100
40.	36	305458098	Pitnak Auto	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
41.	37	302667473	Xorazm Pitnak Plast	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
42.	38	309013879	Inkas Training Research and Development Center	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ						
43.	1	200494307	Шарғункўмир ⁽³⁾	АЖ	Сурхондарё вилояти	99,86
44.	2	305277664	Бойсункўмир ⁽³⁾	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100
45.	3	307162885	Шарғун темир йўл махсус қурилиш	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100
46.	4	301254237	Темирйўлйўловчи сервис	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
47.	5	306605032	PRINTEX-CO	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49
48.	6	305094283	Giraffe Crane	МЧЖ	Тошкент шаҳри	25
49.	7	203607858	Ўзтемирйўлконтейнер	АЖ	Тошкент шаҳри	35
50.	8	305189512	Хива локомотив	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
51.	9	304424670	Янги замон бино	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49,98

T/p	T/p	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ						
52.	1	309789522	Jizzakh Cement Plant	МЧЖ	Жиззах вилояти	100
53.	2	309765196	Шеробод цемент заводи	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100
“Иссиқлик электр станциялари” АЖ						
54.	1	205223299	Фарғона шифобахш суви	МЧЖ	Фарғона вилояти	48,98
“Ўзбекгидроэнерго” АЖ						
55.	1	302310404	Tashkent Elektro Dvigatel	МЧЖ	Тошкент шаҳри	62,5
56.	4	305057114	Гидроэнерго ҳимоя	МЧЖ	Тошкент шаҳри	51
“Ўзкимёсаноат” АЖ						
57.	1.	308301085	Фармацевтик ПВХ	МЧЖ	Наманган вилояти	100
58.	2.	308508412	Navoiy Chemical Cluster	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49
59.	3.	200344745	Жиззах пластмасса	АЖ	Жиззах вилояти	85,8
60.	4.	305403854	Helbeto-Jizzah Chemicals	МЧЖ	Жиззах вилояти	20,06
61.	5.	305623312	Кимёгар қоп	МЧЖ	Жиззах вилояти	44,5
62.	6.	306500299	Jizzakh Himplast	МЧЖ	Жиззах вилояти	21,79
“Навоийазот” АЖ						
63.	1	306971283	JV Continaz	МЧЖ	Навоий вилояти	49
64.	2	309370665	Uralcontinaz	МЧЖ	Тошкент шаҳри	40
65.	3	308989789	Chemistry International	МЧЖ	Навоий вилояти	25,81
66.	4	310539034	Navko	МЧЖ	Навоий вилояти	19,5
“Uzbekistan Airways” АЖ						
67.	1	308653029	Silk Avia	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ						
68.	1	306977568	Global Gas and Bus	МЧЖ	Тошкент вилояти	100
69.	2	200441277	Тошавтобустранс	УК	Тошкент шаҳри	100
70.	3	303006044	Спутник такси сервис	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
71.	4	303302143	Truck and Bus Glass	МЧЖ	Тошкент шаҳри	46,73
72.	5	306931070	Tashbus Gazoil	МЧЖ	Тошкент шаҳри	30
73.	6	307492468	Tashbus Petrol	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
74.	7	308186847	Янги-Ҳаёт Транс Газ	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
75.	8	308577462	Multi Gas System	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100

T/p	T/p	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
76.	9	309025713	Car and Bus Service	МЧЖ	Тошкент шаҳри	30
77.	10	303511080	Азиз текс	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
“Ўздонмахсулот” АК						
78.	1	305027278	Асадбек иссиқ нонлари	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
79.	2	305024947	Ғалаба иссиқ нон	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
80.	3	305005219	Golden Foods Makaron	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
81.	4	305005194	Quva Wachtel Non	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
82.	5	306340633	Бағдод нон	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
“Ўзбектелеком” АЖ						
83.	1	303293092	LG CNS Uzbekistan	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49
“Ўзбекистон почтаси” АЖ						
84.	1	203072362	Post Print	МЧЖ	Тошкент шаҳри	20,01
“Тошкент трактор заводи” МЧЖ						
85.	1	207145157	Lemken Chirchiq	МЧЖ	Тошкент вилояти	70
86.	2	202571146	Agrixim	МЧЖ	Тошкент шаҳри	22,94
87.	3	204851405	Technolog Instrument	МЧЖ	Тошкент шаҳри	15
88.	4	308289551	Тошкент Агро Трактор	МЧЖ	Тошкент шаҳри	40
89.	5	307083288	Technolog-Plast	МЧЖ	Тошкент шаҳри	45
“Ўзсувқурилиш” АЖ						
90.	1	206957491	Жалақудуқмахсуссувпудрат	МЧЖ	Андижон вилояти	100
91.	2	200265868	Ширмонбулоқ тош кони	МЧЖ	Андижон вилояти	100
92.	3	300802228	Қоракўл махсус сувпудрат	МЧЖ	Бухоро вилояти	100
93.	4	300763522	Учтепамахсуссувпудрат	МЧЖ	Жиззах вилояти	100
94.	5	206956335	Яккабоғ-махсуссувпудрат	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	100
95.	6	300786984	Элликқалъамахсуссувпудрат	МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	100
96.	7	206958585	Навоиймахсуссувпудрат	МЧЖ	Навоий вилояти	100
97.	8	206956715	Мингбулоқмахсуссувпудрат	МЧЖ	Наманган вилояти	100
98.	9	305163331	Зарафшонмахсуссувқурилиш	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100
99.	10	300773906	Гулистон-махсус-сувпудрат	МЧЖ	Сирдарё вилояти	100
100.	11	206957040	Узунмахсуссувпудрат	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
101.	12	300801244	Миллий қурилиш таъмирлаш	МЧЖ	Тошкент вилояти	100
102.	13	300801925	Бағдодмахсуссупудрат	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
103.	14	206958499	Қўшқўпирмахсуссупудрат	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ						
104.	1	308842229	Kattakurgan Business Services	МЧЖ	Самарқанд вилояти	33,3
105.	2	308978794	Penoplast Surkhon and Capital	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100
106.	3	308973904	Parizod Mexr and Capital	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	99,7
107.	4	308979895	Malik Muxammad Ali Fayz and Capital	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	99,99
АТ “Алоқа банк”						
108.	1	305903540	Bioazot IGBR	МЧЖ	Тошкент вилояти	98,2
“ТИФ Миллий банк” АЖ						
109.	1.	304908993	NBU Gazgan Invest	МЧЖ	Навоий вилояти	100
110.	2.	202778694	Invest Group Centre	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
111.	3.	204344101	Eko Qompani ilmiy ishlab- chiqarish	МЧЖ	Хоразм вилояти	46,84
112.	4.	310643365	Хива плаза	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
“Агробанк” АТБ						
113.	1	203734416	Чотқол	МЧЖ	Тошкент вилояти	12,5
“Ўзбекинвест” АЖ						
114.	1	200542744	“Ипак йўли” АИТБ ⁽²⁾	АЖ	Тошкент шаҳри	7,45
“Ўзгросуғурта” АЖ						
115.	1	207014184	Kamelot Med Servis	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
116.	2	309653368	First Assist	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
“Юггазстрой” АЖ						
117.	1	205447390	Хиванефтегазқурилиш	УК	Хоразм вилояти	100
118.	2	205450856	Хива махсус электромонтаж созлаш	УК	Хоразм вилояти	100
119.	3	302644233	Ургенчгазмаш	МЧЖ	Хоразм вилояти	28
120.	4	205458274	Жанубгазйўлқурувчи	УК	Хоразм вилояти	100
121.	5	205483879	Жанубгаз бутлаш ва қурилиш қурилмалари	УК	Хоразм вилояти	100

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
“Ўзбекэкспертиза” АЖ						
122.	1	310759362	Eximp Expert	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
“Ўзинтеримпэкс” АЖ						
123.	1	204688117	Ekspro	МЧЖ	Тошкент шаҳри	63,3
124.	2	207073406	Интер таъминот сервис	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
“Навоий эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖ						
125.	1	308995544	Navoi Warehouse Solutions	МЧЖ	Навоий вилояти	25
126.	2	308995576	Navoi Service Solutions Zone	МЧЖ	Навоий вилояти	25
“Тошметроқурилиш” МЧЖ						
127.	1	200795708	Автомобиль корхонаси Тошметроқурилиш	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
128.	2	200795779	2-сон туннель отряди Тошметроқурилиш	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
“Техник таъминлаш ва бутлаш бошқармаси” МЧЖ						
129.	1	203372234	Чортоқ техник таъминлаш ва бутлаш	УК	Наманган вилояти	100
130.	2	200486918	Жарқўрғон техник таъминлаш ва бутлаш	УК	Сурхондарё вилояти	100
Бошқалар						
131.	1	205337694	Қорақалпоғистон минтақавий пахта терминали	МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	100
132.	2	201284733	Нишон толаси	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	50,1
133.	3	205276565	Қашқадарё минтақавий пахта терминали	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	100
134.	4	301325639	Агрофреш	МЧЖ	Навоий вилояти	51,4
135.	5	204661959	Навоий толаси	МЧЖ	Навоий вилояти	56,7
136.	6	207332028	Самарқанд сувлойиҳа	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100
137.	8	300851563	Био Ховренко	УК	Самарқанд вилояти	100
138.	9	204661634	Сурхондарё минтақавий пахта терминали	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	51
139.	10	207156769	Expo Design Studio	МЧЖ	Тошкент шаҳри	60,9
140.	11	202908713	Gazchitrans	УК	Тошкент шаҳри	100
141.	12	204735105	Саноат-лойиҳалаштириш марказ	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
142.	13	206926031	Uzrosneftegazgeo	МЧЖ	Тошкент шаҳри	50
143.	14	306318279	Autobahn-Consulting	МЧЖ	Тошкент шаҳри	70,0

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТХШ	Худуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
II. Давлат ташкилотлари иштирокидаги корхоналарнинг акция пакетлари (улушлари)						
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги						
144.	1	308563250	Шаҳрисабз хунармандлари кластери	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	22,3
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги						
145.	1	310400138	Инкубация маркази	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100
146.	2	310508509	New Climate Innovations Center	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги						
147.	1	310845612	Эколойиҳа	МЧЖ	Тошкент шаҳри	24
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги						
148.	1	309590108	Xalqabad-Best-Seeds	МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	100
149.	2	306828934	Чимбой тумани элита уруғчилик ⁽¹⁾	МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	100
150.	3	308458562	Тўрткўл тумани элита уруғчилик ⁽¹⁾	МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	100
151.	4	310114571	No'kis Best-Seeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	100
152.	5	306800922	Олтинкўл тумани элита уруғчилик ⁽¹⁾	МЧЖ	Андижон вилояти	100
153.	6	306800487	Булоқбоши тумани элита уруғчилик ⁽¹⁾	МЧЖ	Андижон вилояти	100
154.	7	306831608	Балиқчи тумани элита уруғчилик ⁽¹⁾	МЧЖ	Андижон вилояти	100
155.	8	302425330	Андижон пахта уруғчилиги	МЧЖ	Андижон вилояти	20,8
156.	9	307291164	Бухоро асл элита уруғчилиги хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Бухоро вилояти	100
157.	10	306839761	Когон туман асл элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Бухоро вилояти	100
158.	11	307292598	Ромитан супер элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Бухоро вилояти	100
159.	12	306962943	Ғиждувон туман асл элита уруғчилиги хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Бухоро вилояти	100
160.	13	310103926	Vuxara bestseeds	МЧЖ	Бухоро вилояти	100
161.	14	306945780	Дўстлик элита уруғчилик ⁽¹⁾	МЧЖ	Жиззах вилояти	100
162.	15	306878549	Шароф Рашидов элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Жиззах вилояти	100
163.	16	307160026	Пахтакор тумани элита уруғчилик ⁽¹⁾	МЧЖ	Жиззах вилояти	100
164.	17	309439015	Ғаллаорол олтин бошоқ элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Жиззах вилояти	100

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
165.	18	309587663	Djizakh Best Seeds	МЧЖ	Жиззах вилояти	100
166.	19	310101042	Do'stlik Bestseeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Жиззах вилояти	100
167.	20	307285598	Kasbi Seeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	100
168.	21	309588740	Beshkent Best Seeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	100
169.	22	306797246	Миришкор элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	100
170.	23	306795605	Косон элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	100
171.	24	306800090	Касби элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	100
172.	25	310257766	Nishon New Don Bestseeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	100
173.	26	310267270	Kasbi Don Bestseeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	100
174.	27	310261802	Yakkabog Bestseeds	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	100
175.	28	306807556	Кармана элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Навоий вилояти	100
176.	29	306795454	Хатирчи элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Навоий вилояти	100
177.	30	306803055	Қизилтепа элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Навоий вилояти	100
178.	31	309588353	Navoiy Best Seeds	МЧЖ	Навоий вилояти	100
179.	32	310124188	Navoiy - G'alla best seeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Навоий вилояти	100
180.	33	306805804	Наманган элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Наманган вилояти	100
181.	34	306812170	Уйчи элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Наманган вилояти	100
182.	35	306823711	Учқўрғон элита уруғчилик хўжалиги	МЧЖ	Наманган вилояти	100
183.	36	306806881	Чуст элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Наманган вилояти	100
184.	37	309589479	Namangan Best Seeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Наманган вилояти	100
185.	38	310102230	Uchqo'rg'on Best Seeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Наманган вилояти	100
186.	39	310102531	Chortoq Bestseeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Наманган вилояти	100
187.	40	306803404	Пайариқ туман элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100
188.	41	306803364	Пахтачи туман элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100
189.	42	306803395	Каттақўрғон туман элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
190.	43	306803388	Пастдарғом туман элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100
191.	44	308319473	Самарқанд-Иштихон элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100
192.	45	310103664	Zirabuloq Bestseeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100
193.	46	310124884	Motrid Bestseeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100
194.	47	309587354	Samarqand Best Seeds	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100
195.	48	306804569	Боёвут элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Сирдарё вилояти	100
196.	49	308682508	Элита уруғчилик хўжалиги икки Гулистон тумани ⁽¹⁾	МЧЖ	Сирдарё вилояти	100
197.	50	306801288	Сирдарё элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Сирдарё вилояти	100
198.	51	309587308	Sirdaryo Best Seeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Сирдарё вилояти	100
199.	52	310106810	Oqoltin Best Seeds	МЧЖ	Сирдарё вилояти	100
200.	53	308664007	Денов Минора агро элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100
201.	54	309588796	Surxondaryo Best Seeds	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100
202.	55	306802112	Қумқўрғон тумани элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100
203.	56	306808475	Термиз тумани элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100
204.	57	306832954	Денов элита уруғчилик ⁽¹⁾	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100
205.	58	307928365	Термиз элита Дўстлик уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100
206.	59	310107793	Jarqo'rg'on Best Seeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100
207.	60	306822966	Оққўрғон элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Тошкент вилояти	100
208.	61	306867704	Чиноз элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Тошкент вилояти	100
209.	62	307102904	Ўрта-Чирчиқ элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Тошкент вилояти	100
210.	63	309586997	Tashkent Best Seeds	МЧЖ	Тошкент вилояти	100
211.	64	206988414	Агро кимё ҳимоя ва ўсимликлар карантини	МЧЖ	Тошкент шаҳри	88,9
212.	65	309588456	Rishtan Best Seeds	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
213.	66	306803808	Қува элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
214.	67	306805259	Бешариқ элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Фарғона вилояти	100

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
215.	68	306804932	Тошлоқ элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
216.	69	310105511	Bag'dod best seeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
217.	70	306807571	Хива элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
218.	71	306804845	Хонқа элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
219.	72	306805622	Боғот элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
220.	73	306808278	Гурлан элита уруғчилик хўжалиги ⁽¹⁾	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
221.	74	309590409	Xorezm Best Seeds	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
222.	75	310105377	Urganch Bestseeds ⁽¹⁾	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
Сув хўжалиги вазирлиги						
223.	1	200935784	Ўзсувэкспертиза	ДУК	Тошкент шаҳри	100
Рақамли технологиялар вазирлиги						
224.	1	306575388	Information Technology Center	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49
225.	2	310052738	Global Technology Center	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49
Маданият вазирлиги						
226.	3	305520630	Фарғона анорчилик	МЧЖ	Фарғона вилояти	86,87
Соғлиқни сақлаш вазирлиги						
227.	1	200056114	Наманган вилояти диагностика маркази	ДМ	Наманган вилояти	100
Давлат активларини бошқариш агентлиги						
228.	1	200371562	Хожели гербиш заводи	МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	1,5
229.	2	200046886	Наманган дори-дармон ⁽⁴⁾	АЖ	Наманган вилояти	0,01
230.	3	307025714	Оҳангарон агро гўшт сут	МЧЖ	Тошкент вилояти	35
231.	4	302900674	Milliy banklararo protsessing markazi	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
232.	5	207178693	Бизнес-Daily медиа	МЧЖ	Тошкент шаҳри	51
233.	6	301846425	Кимётранс-логистик	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
234.	7	205770094	Ҳамкор-кимёсервис	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
235.	8	308677393	Uzaerospace	МЧЖ	Тошкент шаҳри	40
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси						
236.	1	200441482	Ҳумсон санаторияси	ДУК	Тошкент вилояти	100

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “UZINJINIRING” республика лойиҳа институти						
237.	1	206713598	“Uzinjiniring” республика лойиҳа институти	ДМ	Тошкент шаҳри	100
Ўзбекистон Фанлар академияси						
238.	1	305508249	Agro News	МЧЖ	Тошкент шаҳри	10
239.	2	310117820	TASGARD	МЧЖ	Тошкент шаҳри	50
Ўзбекистон Бадий академияси						
240.	1	202409574	Санъаткор журнали	ДУК	Тошкент шаҳри	100
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси						
241.	1	310723186	Autoservis Man Motors	МЧЖ	Тошкент шаҳри	30
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Мактабгача таълим агентлиги						
242.	1	306326704	Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти	ДУК	Тошкент шаҳри	100
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари						
243.	1	308578635	Учқўприк тумани енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплексини бошқариш ва ободонлаштириш офиси	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
244.	2	200127943	Қўқон савдо комплекси	МЧЖ	Фарғона вилояти	51,2
245.	3	200497516	Хўжаикон туз	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	28,92
246.	5	300676812	Капиталтаъмирнур	ШК	Тошкент ш.	100
247.	6	310159603	Сергели-автотураргоҳ	МЧЖ	Тошкент ш.	49

Изоҳ:

(1) Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги уруғчилик (элита уруғчилик) хўжаликларини бирлаштириш орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 13 та уруғчилик хўжаликлари ташкил этилади ва уларнинг 51 фоиз улушини сақлаган ҳолда қолган улушлари оммавий савдолар орқали сотилади.

(2) Сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан “Ўзбекинвест” АЖга улушнинг баланс (қолдиқ) қиймати қайтариб берилади.

(3) Мазкур корхоналардаги давлат улушини сотиш шартлари ва тартиби Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси томонидан белгиланади.

(4) Давлат акция пакети баҳолашдан ўтказилмасдан фонд биржаси котировка нархидан келиб чиқиб, савдоларга чиқарилади.

1. “Ўзавтосаноат” АЖ тизимидаги корхоналарни хусусийлаштириш шартлари у билан келишилган ҳолда Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси томонидан белгиланади.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги уруғчилик марказларини хусусийлаштириш ушбу соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ва техник ҳужжатлар қабул қилингандан кейин Давлат мулкни хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш комиссияси қарори асосида кўриб чиқилади.

3. Мазкур иловада кўрсатилган рўйхатга Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси қарори билан ўзгартириш киритилиши ёки активлар рўйхатдан чиқарилиши мумкин.

4. Сотилиши белгиланган акция пакетлари (улушлар) миқдори, корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда, активларнинг сотилиши ўзгаришларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 19 апрелдаги ПҚ–162-сон қарорига
2-илова

Оммавий савдоларга чиқариладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари
РЎЙХАТИ

T/p	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м²)	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
Андижон вилояти						
1.	35-сон мактабгача таълим муассасасининг собиқ биноси	Андижон тумани, “Орол” МФЙ	0,37	628,1	Андижон тумани 35-сонли мактабгача таълим муассасаси	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
2.	4-сон мактабгача таълим муассасасининг собиқ биноси	Андижон тумани, “Янги тўлқин” МФЙ	0,12	307,4	Андижон тумани 4-сонли мактабгача таълим муассасаси	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
3.	Собиқ маъмурий бино	Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, “Ремзавод” МФЙ	0,06	153,8	“Ўзагросуғурта” АЖ Андижон тумани бўлинмаси	“Ўзагросуғурта” АЖ
4.	32-сон мактабнинг собиқ биноси	Андижон тумани, “Гулобод” МФЙ	0,35	345,6	Андижон тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
5.	49-сон мактабнинг собиқ биноси	Андижон тумани, “Султонобод” МФЙ	0,48	446,4	Андижон тумани 49-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
6.	36-сон умумий ўрта таълим мактабига қарашли бўш турган собиқ қозонхонанинг бино ва иншоотлари	Андижон тумани, “Юксалиш” МФЙ	0,06	125	36-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
7.	Собиқ спорт қароргоҳи	Андижон шаҳри, “Гумбаз” МФЙ, Огаҳий кўчаси, 54-уй	0,9	2 794,9	Андижон шаҳри ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
8.	Андижон вилояти Онкология шифохонаси ҳудудидаги собиқ ошхона биноси	Андижон шаҳри, “Обод” МФЙ, Ю. Отабеков кўчаси	0,1	686	Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий- амалий тиббиёт маркази Андижон филиали	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

T/p	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м ²)	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
9.	Собиқ 132-сонли ишлаб чиқариш цехи, омборхона биноси, ёрдамчи ва бостирма биноси, гальваника цехи, трансформатор подстанцияси биноси, қуришиш цехи, бўйаш цехи, маъмурий бино	Андижон шаҳри, Найман кўчаси, 30-уй	0,45	4 468	Андижон шаҳри ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
10.	Собиқ педагогика коллежи	Андижон шаҳри, “Тахтакўприк” МФЙ	0,4	1 650	Педагогика ва касб-ҳунар коллежи	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
11.	Собиқ маиший хизмат кўрсатиш биноси	Асака тумани, “Кўркам” МФЙ, Дунг кўчаси	0,06	146,04	“Микрокредитбанк” АТБ Андижон филиали	“Микрокредитбанк” АТБ
12.	Собиқ маъмурий бино	Асака тумани, “Навкан” МФЙ	0,02	270	Асака тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
13.	10-сон оилавий поликлиниканинг собиқ биноси	Асака тумани, “Турон” МФЙ	0,1	353,1	Асака тумани Тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
14.	29-сон мактабнинг собиқ биноси	Асака тумани, “Арғин” МФЙ	1,55	2 820	Асака тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
15.	Собиқ пиллахонанинг бино ва иншоотлари	Асака тумани, “Қайрағоч” МФЙ	0,42	1 155,6	Асака тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
16.	Маъмурий бино (собиқ музей) ⁽⁹⁾	Асака тумани, “Қайрағоч” МФЙ	0,21	321,7	Асака тумани Маданият маркази	Маданият вазирлиги
17.	Собиқ маъмурий бино ва иншоотлар	Асака тумани, “Қайрағоч” МФЙ	0,19	1 978,1	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Андижон минтақавий филиали	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
18.	Собиқ кутубхона биноси	Асака тумани, “Қовоқ тўпи” МФЙ	0,02	121	Андижон давлат университети	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
19.	Собиқ лаборатория биноси	Асака тумани, “Марказ” МФЙ	0,08	100	Асака тумани Тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
20.	1-сон умумий ўрта таълим мактабининг собиқ биноси	Асака тумани, “Саидобод” МФЙ	0,28	852,2	Асака тумани 1-сон умумий ўрта таълим мактаби	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
21.	18-сон мактабгача таълим ташкilotининг собиқ биноси	Асака тумани, “Чек” МФЙ	0,3	325,5	Асака тумани 18-сонли мактабгача таълим ташкilotи	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

T/p	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м ²)	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
22.	6-сонли фермерларга ёқилғи тарқатиш шохобчасининг собиқ бино ва иншоотлари	Асака тумани, “Қовоқтўпи” МФЙ	0,21	541,6	“Андижон нефт база” УК Асака филиали	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
23.	Собиқ автобуслар саройи	Асака тумани, “Навкан” МФЙ, Навкан кўчаси	1,8	6 677,45	Андижон банк хизматлари офиси	“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ
24.	Собиқ Педагогика ва касб-ҳунар коллежининг бино ва иншоотлари	Асака тумани, “Ҳамдўстлик” МФЙ	0,3	514	Мактабгача таълим агентлиги тасарруфидаги Асака педагогика коллежи	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
25.	Юқорибўз 11-сон қишлоқ оилавий врачлик пунктининг собиқ биноси	Асака тумани, “Юқорибўз” МФЙ	0,055	480,4	Асака тумани Тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
26.	12-сон умумий ўрта таълим мактабининг собиқ қозонхона биноси	Балиқчи тумани, “Аралхон” МФЙ	0,08	176	12-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
27.	Маданият уйининг собиқ биноси ⁽⁹⁾	Балиқчи тумани, “Ботир” МФЙ	0,04	359,1	Балиқчи тумани Маданият бўлими	Маданият вазирлиги
28.	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг собиқ биноси	Балиқчи тумани, “Илғор” МФЙ	0,25	235,4	Балиқчи тумани Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси
29.	Собиқ болалар ва ўсмирлар поликлиникаси	Балиқчи тумани, “Балиқчи” ҚФЙ, “Марказ” МФЙ	0,1	671,8	Балиқчи тумани Тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
30.	Оққўрғон қишлоқ врачлик пунктининг собиқ биноси	Балиқчи тумани, “Жасорат” МФЙ, Х. Эргашев кўчаси	0,41	255,8	Балиқчи тумани Тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
31.	“Олимбек” АТСнинг собиқ алоқа биноси	Балиқчи тумани, “Олимбек” ҚФЙ, “Дўстлик” МФЙ	0,004	38,4	Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги

T/p	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м ²)	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
32.	6-сон мактаб филиалининг собиқ биноси	Балиқчи тумани, “Саховат” МФЙ	0,09	150	Балиқчи тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
33.	25-сонли ҳарбий шаҳарча 1-қисмининг собиқ бино ва иншоотлари	Балиқчи тумани, “Серқуёш” МФЙ	1,65	2 709,09	Балиқчи тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
34.	25-сонли ҳарбий шаҳарча 4-қисмининг собиқ бино ва иншоотлари	Балиқчи тумани, “Серқуёш” МФЙ	0,59	1 805,4	Балиқчи тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
35.	“Майдон” АТСнинг собиқ алоқа биноси	Балиқчи тумани, “Ўрта қўрғон” МФЙ	0,002	27,28	Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказнинг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
36.	Марказий шифохонанинг собиқ болалар бўлимининг бир қаватли биноси	Бўлоқбоши тумани, “Юксалиш” МФЙ, Навқирон кўчаси	0,4	396,02	Бўлоқбоши тумани Тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
37.	19-сон мактабгача таълим ташкilotининг собиқ филиали биноси	Бўлоқбоши тумани, “Раиш” МФЙ	0,03	250	Бўлоқбоши тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
38.	“Шарқ юлдузи” юқумли касалликлар бўлимининг собиқ бино ва иншоотлари	Бўлоқбоши тумани, “Шарқ юлдузи” МФЙ	0,78	1 181	Бўлоқбоши тумани Тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
39.	Собиқ маъмурий бино	Бўлоқбоши тумани, “Андижон” ШФЙ, “Саноат” МФЙ	0,0738	187,65	“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг Водий нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
40.	Маданият бўлимининг собиқ бино ва иншоотлари ⁽⁹⁾	Бўлоқбоши тумани, “Бозорбоши” МФЙ	0,01	92,1	Бўлоқбоши тумани Маданият бўлими	Маданият вазирлиги
41.	Бой маҳалла қишлоқ врачлик пунктининг собиқ биноси ⁽⁷⁾	Бўлоқбоши тумани, “Бой маҳалла” МФЙ	0,06	280,5	Бўлоқбоши тумани Тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
42.	Собиқ кутубхона биноси ⁽⁹⁾	Бўлоқбоши тумани, “М.Исмоилий” МФЙ, 1 уй	0,05	238,35	Бўлоқбоши тумани Маданият бўлими	Маданият вазирлиги

T/p	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м ²)	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
43.	14-сон мусиқа мактаби филиалининг собиқ биноси ⁽⁹⁾	Булоқбоши тумани, “Нефтчилар” МФЙ	0,02	190	Булоқбоши тумани Маданият бўлими	Маданият вазирлиги
44.	Халқ банки филиалининг собиқ биноси	Булоқбоши тумани, “Нефтчилар” МФЙ	0,01	70	“Халқ банки” АТБ	“Халқ банки” АТБ
45.	Собиқ машина трактор парки бино ва иншоотлари	Булоқбоши тумани, “Сарбонтёпа” МФЙ	0,70	650	“Ўзгросервис” АЖ	“Ўзгросервис” АЖ
46.	Булоқбоши Педагогика коллежининг собиқ алоҳида қурилган биноси	Булоқбоши тумани, “Шох гузар” МФЙ	0,07	75	Мактабгача таълим агентлиги тасарруфидаги Булоқбоши педагогика коллежи	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
47.	Собиқ ётоқхона биноси	Бўстон тумани, “Гузар” МФЙ	0,49	1 011,28	26-сон давлат ихтисослаштирилган мактаб интернати	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
48.	Собиқ пиллахона бино ва иншоотлари	Бўстон тумани, “Пиллакор” МФЙ	0,42	1 080,02	Андижон вилояти ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
49.	Собиқ савдо дўкони бино ва иншооти	Жалақудуқ тумани, “Тўра чеки” МФЙ, Тўра чеки кўчаси, 22-уй	0,02	238,4	“Микрокредитбанк” АТБ Андижон филиали	“Микрокредитбанк” АТБ
50.	“Жанубий оламушук” МФЙнинг собиқ маъмурий биноси	Жалақудуқ тумани, “Жанубий ола мушук” МФЙ, Саноат кўчаси	0,15	263,95	“Ўзбекнефтьгаз” АЖнинг Водий нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси	“Ўзбекнефтьгаз” АЖ
51.	36-сон мактабнинг собиқ биноси	Жалақудуқ тумани, “Бузрукхонтўра” МФЙ	0,23	1 009	Жалақудуқ тумани 36-сон умумий ўрта таълим мактаби	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
52.	Жанубий ола мушук ўт ўчириш қисми собиқ биноси	Жалақудуқ тумани, “Жанубий ола мушук” МФЙ, Саноат кўчаси	0,29	2 455,1	“Ўзбекнефтьгаз” АЖнинг Водий нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси	“Ўзбекнефтьгаз” АЖ
53.	Маданият бўлимининг собиқ бино ва иншоотлари ⁽⁹⁾	Жалақудуқ тумани, “Иттифоқ” МФЙ	0,12	423,2	Жалақудуқ тумани Маданият бўлими	Маданият вазирлиги
